

## 2018 йилнинг январ - март ойларида


### ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

Жорий йилнинг январ- март ойларида Бухоро вилоятида 430,1 млрд. сўмлик қурилиш – монтаж ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш сурати 76,6 % ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 114,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 64,9 % ни ташкил қилиб, ўтган ойдаги ўсиш суратига нисбатан 6,7 % камайди.


Мос равишда, кичик бизнес томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 315,2 млрд. сўмни ташкил қилди. (умумий қурилиш ишлари ҳажмида улуши 73,3 %) Шундан кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 251,8 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 106,8 фоиз) ҳамда норасмий сектор бўйича 63,5 млрд. сўм ёки ўтган йилга нисбатан 41,0% ни ташкил этди.

#### **Қурилиш ишлари, жамига нисбатан фоизда**




Қурилиш ишларнинг умумий ҳажмидан 55,8 фоизи ёки 239,9 млрд. сўм - янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта куроллантиришга (*ўтган йилнинг мос даврида 61,4 фоиз ёки 296,4 млрд сўм*), 44,2 фоизи ёки 190,2 млрд. сўм (*ўтган йилнинг мос даврида 38,6 фоизи ёки 186,5 млрд. сўм*) – капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

**2018 йил январ – март**  
(жамига нисбатан фоизда)



**2017 йил январ – март**  
(жамига нисбатан фоизда)




- янги қурилиш, реконструкция, кентгайтириш ва техник қайта куроллантириш
- капитал таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари

Кичик корхона ва микрофирмалар асосан сотиш учун мўлжалланган турар жойларни қуришда, автомобил йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларида, шунингдек ижтимоий соҳа обьектларини (мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва бошқалар) қуришда ва намунали ҳамда арzonлаштирилган турар жойларни қуриш ишларида қатнашмоқда.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бино ва ишоотларни қурилишига 216,4 млрд. сўм, (ўтган йилнинг мос даврида 266,9 млрд. сўм) фуқаролик обьектларини қурилишига 85,2 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврида 77,4 млрд. сўм) ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми 128,4 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврида 138,7 млрд. сўм) ташкил қилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми,  
жамига нисбатан фоизда**



### Мулкчилик шакли бўйича.

Нодавлат мулкчилиги билан қурилиш корхоналари томонидан 408,9 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилган, ўтган йилга нисбатан ўсиш фоизи 76,6 фоизни ташкил қилган. Умумий ҳажмга нисбатан улуши 95,0 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,1 фоизга кўпайган.